

Намоз одоблари

05:00 / 09.01.2017 7612

Одоб - адабнинг кўплик кўринишидир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам доимий тарзда қилмаган феъллари - одобдир. Одоби тарк қилиш билан, суннати завоидни тарк қилиш каби, гуноҳкор бўлинмайди ва итоб ҳам қилинмайди. Лекин уни қилиш - афзалдир.

Намоз одоблари:

1. Қиёмда - сажда ўрнига қараш.

Ойша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқисалар, бошларини эгиб, кўзларини ерга тикиб турар эдилар” (Ҳоким ривояти).

Бошқа бир ҳадисда ривоят этилишича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Каъбага кирганларида то чиққунларича кўзлари сажда ўрнидан нарига ўтмаган (Ҳоким ривояти).

Ташаҳхудда ўтирганларида эса, назарлари кўрсатгич бармоқларидан нари ўтиб кетмаган (Имом Аҳмад ва Имом Абу Довуд ривояти).

Фақиҳ уламоларимиз бу масалаларни ўз китобларида баён қилишган. Қиёмда турганда сажда ўрнига, ташаҳхудда ўтирилганда кўкракка, сажда пайтида буруннинг учлари ёнларига, рукуъда оёқлар орасига ёки устига қаралади ("Жомий ур-румуз").

2. Имкон қадар йўтални қайтариш.

Бу ҳолатда намознинг фосид бўлиш хавфи бўлади. Чунки, узрсиз эснаб, ундан икки ҳарф ёки кўпроқ ҳарфлар пайдо бўлса, намоз фосид бўлади.

Қироатда овозни чиройли қилиш ёки намоздалигини билдириш - узрлардан ҳисобланади.

3. Кекиришни қайтариш.

Бу феъл намоздан ташқарида ҳам макруҳ бўлади. Шундай экан, намозда уни қилмаслик авлодир.

Абу Хужайфа розияллоҳу анҳу айтади: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида кекириб юбордим. Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам: "Кекиригингни бизлардан тийгин! Сизларнинг дунёда узоқ вақт қорни тўқ бўлганларингиз, охиратда кўп қорни оч бўладиганларингиздир", дедилар.

4. Намозда эснамаслик.

Эснаш одобсизлик бўлиб, ланжлик ва лоқайдлик аломатидир. Намозда эснаш эса, банданинг Робби ҳузурларида турганини ҳис этмаслик, Унга нисбатан беҳурматликдир. Шунингдек, бу ҳолат шайтонга йўл бериш ҳамдир.

Набий солаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: "Қайси бирингизга намозда эсноқ келса, қодир бўлгунича уни қайтарсин, чунки шайтон киради" (Имом Термизий ривояти).

"Намозда эснамоқ шайтондандир. Қайсингизни эсноқ тутса, иложи борича қайтармоққа уринсин" (Имом Термизий ривояти).

Уламолар намозда эснашни макруҳ санашган, ўзлари ҳам бу ишдан тийилишган.

Қудурий раҳимаҳуллоҳ айтадилар: "Кўп марта синадик, киши Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васаллам ҳаргиз эснаган эмаслар, деб кўнгилга келтирса, эсноқ қайтар экан". Ибн Обидин раҳимаҳуллоҳ ҳам шу гапни айтганлар.

Намозда пастки лаблар ичи тишланса, эсноқ қайтади (Сўфий Аллоҳёр. "Маслак ул-муттақийн").

Агар эсноқни қайтаришни ҳеч иложини қила олмаса, қўлининг сирти билан оғизни тўсади.

5. Шошилмаслик

Яъни, намозда хотиржам туриш. Намозга турганда фикру хаёлини жамлаб, Аллоҳнинг зикрига боғлаб, хотиржам бўлган ҳолда Яратганга юзланиш ҳам комил мусулмонларга хос фазилатдир. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам намозда ниҳоятда хотиржам турганлар. Бошқаларни ҳам шунга буюрганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни: “Ўғриларнинг энг ёмони - намозидан ўғирлайдиганидир”, дедилар. Абу Қатода розияллоҳу анҳу сўрадилар: “Эй Аллоҳнинг Расули, намозидан қандай қилиб ўғирлаши мумкин?”. Шунда у зот: “Рукуъ ва саждаларини тўла адо этмасдан”, деб жавоб бердилар.

Ҳадис тўпламлари, Намоз одоблари, “Дурр ул-мухтор”, “Радд ул-мухтор”, “Жомиъ ур-румуз”, “Маслак ул-муттақин”, “Ал-фикҳ ул-Ҳанафиййу фий савбиҳил жаид” китоблари ва интернет маълумотлари асосида
Суннатуллоҳ Абдулбосит тайёрлади